

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**Суғурталовчи номидан**  
**“MY-INSURANCE” АЖ СК**

**Бош директори**  
**А.К.Юлдашев**



26 06 2025 йил

**“КЕЛИШИЛГАН”**  
**Наф олувчи номидан**  
**“МИКРОКРЕДИТБАНК” АТБ**  
**Бошқарув раиси ўринбосари в.б.**

**И.К.Джуманиязов**



26 06 2025 йил

## **ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТНИНГ ҚАЙТМАСЛИК ХАТАРИНИ СУҒУРТАЛАШ ҚОИДАЛАРИ (14-КЛАСС)**

Ушбу Қоидалар, Ўзбекистон Республикаси Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан 25.02.2022 йилдаги СФ № 00037-сон лицензия асосида фаолияти юритувчи **“My-Insurance” Суғурта Компанияси Акциядорлик жамияти** (кейинги матнларда “Суғурталовчи”) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Қарз олувчиларнинг (кейинги матнларда “Суғурта қилдирувчи”) “Микрокредитбанк” АТБ ҳамда унинг филиаллари (кейинги матнларда “Наф олувчи”) билан тузган кредит шартномаси асосида “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратиладиган кредитнинг қайтмаслик хатари” шартларини белгилайди.

### **1. ҚОИДАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАР**

**1.1.** Ушбу Қоидада фойдаланилган атамалар қуйидаги маъноларга эга:

**Суғурталовчи** – Ушбу Қоида ва унга асосан тақдим қилинган суғурта полисига асосан суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта товонини Суғурта қилдирувчига тўлаш мажбуриятини олувчи суғурта ташкилоти.

**Суғурта қилдирувчи** – Ушбу Қоидага асосан суғурта мукофотини тўлаётган ва Суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатларига кираётган банк ташкилоти.

**Қарздор** – Кредит шартномасида номи кўрсатилган муомала лаёқатига эга бўлган жисмоний ва юридик шахс.

**Кредит шартномаси** – Суғурта қилдирувчи (банк) билан Қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартнома (кейинчалик – кредит шартномаси) бўлиб, унга мувофиқ Суғурта қилдирувчи (банк) Қарздорга ушбу Қоида бўйича тақдим этиладиган Ариза – сўровномада кўрсатилган, кредит шартномасида назарда тутилган миқдорда ва шартларда пул маблағларини (кредитни) тақдим этиш мажбуриятини, Қарз олувчи эса олинган пул маблағларини ўз вақтида қайтариш ва у учун фоизлар тўлаш мажбуриятини юклаш юзасидан тузилган шартнома.

**Суғурта полиси** – Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига суғурта мукофоти/суғурта бадалининг тўлиқ тўлангандан кейин бериладиган ва Суғурталовчининг мазкур Қоида бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**Суғурта ҳодисаси** – суғурта муддатида юзага келган, Қарздорнинг кредит шартномаси бўйича зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ва



кредит қарздорлигини кредит шартномасида белгиланган шартлар ва муддатларда тўлай олмаганлигини англатади.

**Суғурта қопламаси (товони)** – суғурта ҳодисаси содир бўлганда, кредитнинг суғурта билан таъминланган қисмини суғурта полисида белгиланган суғурта суммаси чегарасида Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига тўланадиган пул маблағлари ҳисобланади.

**Суғурта мукофоти (суғурта бадали)** – ушбу Қоида билан келишилган тартиб ва муддатларда *Қарздор/суғурта қилдирувчи томонидан* Суғурталовчига суғурта учун тўлаши шарт бўлган тўлов тушунилади.

**Суғурта қилдирувчининг зиён кўриш эҳтимоли** – кредит шартномаси билан бевосита боғлиқ бўлган, кредитнинг тўлиқ муддати тугагунга қадар суғурта ҳодисасига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай шарт-шароит ҳисобланади (Қарздорнинг кредитни тўлашга қобилиятсизлиги, кредит қарздорлигини кредит шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлай олмаслиги, молиявий ҳолатининг ёмонлашиши ва ҳ.к.).

**Суғурта даври** – суғурта полисининг амал қилиш муддати (вақт даври). Суғурталовчининг суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятлари фақат суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврида амал қилади.

**Бахтсиз ҳодиса** – тўсатдан, қисқа муддатда, Қарздорнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўлган ҳодиса бўлиб, унинг натижасида Қарздор вақтинча ёки доимий тўлиқ меҳнатга умумий лаёқатини йўқотади ёки вафот этганда.

**Меҳнатга вақтинча умумий лаёқатини йўқотиши** – Ушбу Қоидада назарда тутилган бахтсиз ҳодисанинг суғурта муддати мобайнида содир бўлиш эҳтимоли бўлган, тиббий жароҳатлар оқибатида Қарздор ўз меҳнат фаолиятини давом эттира олмайдиган ҳамда даволаниши ва тикланиши мумкин бўлган ҳолат.

**Доимий тўлиқ меҳнатга умумий лаёқатини йўқотиши (ногиронлик)** – Ушбу Қоидада назарда тутилган бахтсиз ҳодисанинг суғурта муддати мобайнида содир бўлиш эҳтимоли бўлган, даволаш жараёнида турғун ва тикланмайдиган тавсифга эга, Қарздор меҳнатга умумий лаёқатини тўлиқ ёки қисман йўқотилиши билан белгиланувчи ҳолати.

**Зиён** - суғурта ҳодисаси содир бўлганда Қарздор Суғурта қилдирувчи олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаслиги натижасида Суғурта қилдирувчи ололмаган пул маблағлари миқдори.

## **2. ҚОИДАДА ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТИ**

**2.1.** Ушбу Қоида предмети бўлиб, Мазкур Қоида кредит шартномаси бўйича кредитни суғурталаш ҳисобланади.

**2.2.** Суғурта объекти бўлиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича Қарздор мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида Суғурта қилдирувчининг кредит ва унга ҳисобланган фоизларини қайтмаганлик билан боғлиқ мулкый манфаатлари ҳисобланади.

**2.3.** Мазкур Қоидада мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва Қарз олувчи Суғурталовчига тақдим этилган ҳужжатлар ва Ариза-сўровномадаги ва ҳар қандай иловалардаги маълумотлар Ушбу Қоиданинг ажралмас қисми эканлигини, шунингдек ишончли ва ҳақиқатга тўғри келувчи маълумотларга эга эканлигини тасдиқлайдилар.

**2.4.** Кредит шартномасига асосан Суғурта қилдирувчи Мазкур Қоидаси ҳамда берилган суғурта полиси шартлари ва муддатлари доирасида қарздорликнинг

суғурталанган/сўндирилмаган қисмини Суғурталовчидан талаб қилади.

### 3. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ

**3.1.** Суғурта ҳодисаси бўлиб, суғурта муддатида юзага келган, Қарздорнинг кредит шартномаси бўйича зиммасига олган мажбуриятларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги ҳамда кредит қарздорлиги (кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни)ни кредит шартномасида белгиланган шартлар ва муддатларда қуйидаги ҳоллардан бири юз бериши сабабли тўлай олмаганлиги ҳисобланади:

а) Кредит шартномасининг тўлов графигида белгиланган Қарздорнинг кредитни сўндириш билан боғлиқ мажбуриятларини узлуксиз 60 (олтмиш) кун мобайнида бажармаганлиги натижасида кредит ва/ёки фоиз қарздорлиги юзага келиши;

б) Кредит шартномасининг тўлов графигида белгиланган Қарздорнинг кредитни сўндириш билан боғлиқ мажбуриятлари ушбу 3.1 банднинг “а” кичик банди 1 (бир) марта такрорлангандан сўнг, Қарздор томонидан яна 90 (тўқсон) кун мобайнида бажармаганлиги натижасида кредит ва/ёки фоиз қарздорлиги юзага келиши.

в) Қарздорнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Суд қарори билан банкрот, шунингдек бахтсиз ҳодиса сабабли вафот этиши ва (ёки) ногирон (Меҳнатга доимий тўлиқ / вақтинча умумий лаёқатини йўқотиши) бўлиб қолиши натижасида тўловга лаёқатсиз деб эълон қилиниши оқибатида кредит ва/ёки фоиз қарздорлиги юзага келиши.

### 4. СУҒУРТА СУММАСИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ

**4.1.** Ушбу Қоида бўйича суғурта суммаси ва суғурта мукофоти Мазкур Қоида бўйича берилган Полисда кўрсатилади.

- суғурта суммаси Суғурта қилдирувчи томонидан Қарздорга ажратилган кредит суммасининг 125 (бир юз йигирма беш) фоизини ташкил этади;
- умумий суғурта мукофоти кредит шартномасида белгиланган йилдан ошмаган муддатга суғурталанганда, ҳар йиллик суғурта мукофоти суғурта суммаси миқдоридан 0,5 % ни ташкил этади;
- Суғурта полиси кредит шартномасининг тўлиқ муддатида ҳамда ягона электрон (oilakredit.uz) платформаси орқали электрон тақдим этилади. Ҳар бир Қарз олувчи бўйича алоҳида суғурта полислари тегишли ҳужжатлар асосида расмийлаштирилади. Суғурталовчи суғурта полислари учун керак бўладиган ҳужжатларни ягона электрон (oilakredit.uz) платформаси орқали олади.

**4.2.** Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта ҳимоясига олинаётган кредитлар тўғрисидаги реестри асосида Суғурталовчининг банк ҳисобварағига бир йўла тўлов билан **5 (беш) иш кунидан** ошмаган муддатда тўлиқ ўтказиб берилади. Суғурта мукофоти тўланган кун деб, белгиланган миқдордаги пул маблағлари Суғурталовчининг банк ҳисобварағига келиб тушган кун ҳисобланади.

**4.3.** Мазкур Қоида бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта (сўм) да амалга оширилади.



## 5. СУҒУРТА ҚОПЛАМАСИ (ТОВОНИ)НИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Суғурта қопламаси (товони) Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига Қарздорнинг кредит шартномаси бўйича мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаган (*кредит тўлов гарфиги муддатларида тўловлар амалга оширилмаган*) ҳолларда 5.2 бандда кўрсатилган шартлар асосида тўлаб берилади.

5.2. Ушбу Қоиданинг 3.1-банди

- **“а” қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда:** Кредит шартномасининг тўлов графигига асосан ариза бериш пайтида **вужудга келган қарздорлик, яъни кредит бўйича асосий қарз ва** фоизлар миқдорида тўлаб беради, бунда ариза кўриб чиқилиб суғурта ҳодисаси тан олинса, ўрнатилган тартибда тегишли далолатнома имзоланади.

- **“б” қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда:** Кредит шартномасининг тўлов графигига асосан ариза бериш пайтида **вужудга келган фоиз қарздорлиги ҳамда кредитнинг мавжуд жами асосий қарз миқдори** тўлиқ тўлаб беради, бунда ариза кўриб чиқилиб суғурта ҳодисаси тан олинса, ҳисобланган дастлабки суғурта қопламаси (товони) суммасига далолатнома имзоланадиган кунга қадар ҳисобланган қўшимча кредит фоизи қўшилган ҳолда якуний суғурта қопламаси (товони) қайта ҳисобланади ва ўрнатилган тартибда тегишли далолатнома имзоланади.

- **“в” қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда:** Кредит шартномасининг тўлов графигига асосан ариза бериш пайтида **вужудга келган фоиз қарздорлиги ҳамда кредитнинг мавжуд жами асосий қарз миқдори** тўлиқ тўлаб беради, бунда ариза кўриб чиқилиб суғурта ҳодисаси тан олинса, ҳисобланган дастлабки суғурта қопламаси (товони) суммасига далолатнома имзоланадиган кунга қадар ҳисобланган қўшимча кредит фоизи қўшилган ҳолда якуний суғурта қопламаси (товони) қайта ҳисобланади ва ўрнатилган тартибда тегишли далолатнома имзоланади.

Юқоридаги “в” қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда, суғурта товони миқдорини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддаси талаблари инобатга олинади лозим.

- Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ушбу Қоиданинг 3 бўлимида кўрсатилган ҳодисалар юз берганда 15 (ўн беш) кун ичида Суғурталовчига хабар бериши ва суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги талабни қўйганда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- 1) суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги ариза;
- 2) суғурта полисининг асл нусхаси, бунда суғурта қилдирувчи томонидан ягона электрон (oilakredit.uz) платформасидан олиш учун имконият яратилади;
- 3) жорий санада қарздорнинг банк олдидаги мажбурияти (қарздор тўлаши керак бўлган маблағ);

4) Қарздорнинг ўзидан ундирув чоралари кўрилган бўлса уни тасдиқловчи ҳужжатлар;

5) агар қарздор кредитни сўндиришга қаратилган тўловларни амалга оширмаслиги натижасида кредит умидсиз деб топилса, тегишли тартибда кредитни умидсиз деб топиш тўғрисида қарор нусхаси.

6) зарурат туғилганда Суғурталовчи қўшимча ҳужжатларни асослантирилган сўрови билан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Қарздор Суғурта қилдирувчига Суғурталовчи талаб қилаётган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этишда кўмаклашиши шарт.



Суғурта қилдирувчи томонидан юқорида назарда тугтилган барча зарур хужжат ва маълумотлар тақдим этилмаса, Суғурталовчи улар тақдим этилгунга қадар, мурожаатни кўриб чиқишни тўхтатиб туришга ҳақли. Томонлар ўртасида зарар сабаби ва миқдори бўйича низо вужудга келганда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин

**5.3.** Суғурта қилдирувчи тақдим этган хужжатлар асосида Суғурталовчи **15 (ўн беш) календарь кун** ичида Суғурта ҳодисасини тан олиш ёки рад этиш бўйича қарор қабул қилади. Суғурта ҳодисаси тан олинган тақдирда суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузади, унда олинган барча маълумотлар кўрсатилади ва тўланиши лозим бўлган суғурта қопламаси (товони) миқдори белгиланади. Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома Суғурта қилдирувчи вакили иштирокида расмийлаштирилади.

**5.4.** Суғурта қилдирувчига суғурта қопламаси (товони) Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома имзолангандан сўнг **5 (беш) календарь кун** ичида амалга оширилади. Суғурта товони тўлови куни бўлиб Суғурталовчининг банк ҳисобварағидан пул маблағлари ўтказилган кун ҳисобланади.

**5.5.** Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига суғурта қопламаси (товони) тўлови рад этилган тақдирда, у Ушбу Қоида шартларига мувофиқ аризани ва барча тегишли хужжатларни тақдим этган кундан бошлаб **15 (ўн беш) кун** ичида рад этиш сабаблари асосланган ёзма билдиришнома йўллайди.

**5.6.** Суғурта қопламаси (товони) Суғурталовчи томонидан Мазкур Қоиданинг 5.1-5.4-бандларида белгиланган тартибда ихтиёрий равишда Суғурта қилдирувчига тўлаб берилмаган тақдирда, суғурта қопламаси (товони) амалдаги қонунчилик талабларига асосан, тегишли суднинг қарори асосида мажбурий тартибда ундирилади.

**5.7.** Суғурта қилдирувчи Мазкур Қоида бўйича белгиланган суғурта қопламаси (товони)ни кредит бўйича юзага келган ёки келиши мумкин бўлган кредит билан боғлиқ ҳар қандай қарздорликка (кредит, фоиз) йўналтиришга ҳақли.

**5.8.** Суғурталовчи томонидан суғурта қопламаси (товон) қоплаб берилганидан кейин, Суғурта қилдирувчи зарарни ўрнини қоплаш учун қўлга киритган ҳар қандай манбалардан олинган пул маблағларини, жумладан қарздор томонидан тўлов графигига кўра тўланиши лозим бўлган тўловлар (фоиз қарздорлик, асосий қарздорлик)ни суғурта қопламаси тўланганидан кейин амалга оширса, Суғурта қилдирувчи 3 (уч) банк куни ичида ушбу тўловларни суғурта қопламаси доирасида Суғурталовчига қайтариб бериши лозим, бунда Суғурта қилдирувчи юқорида келтирилган тўловларни кредитнинг асосий қарзини сўндиришга йўналтирмаслиги керак, аммо суғурта қопламаси доирасидан ортиқча тўловлар бундан мустасно.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **6.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:**

**6.1.1.** Суғурталовчи билан келишилган ҳолда ушбу қоидага ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш;

**6.1.2.** Суғурта полисининг амал қилиш бутун муддати ичида Суғурталовчидан суғурта масаласи бўйича маслаҳат олиш;

**6.1.3.** Мазкур қоида ашртларига мувофиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда бир банк иш кунида суғурта товонини олиш;

**6.1.4.** Суғурта қилдирувчи ўзининг ихтиёридан келиб чиқиб, қуйидагилардан бирини танлаш ҳуқуқига эга:

- суғурта қилдирувчи қарз олувчидан қарзни ундириш бўйича чоралар кўриш;
- суғурталовчига ушбу қонданинг 3-бўлимида кўрсатилган ҳолат юзасидан суғурта товонини қоплаш тўғрисида талабнома тақдим этиш.

Бунда, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчидан қарзни дастлаб қарз олувчидан ундириш талабини қўйишга ҳақли эмас.

## **6.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:**

**6.2.1.** Суғурталовчига рўй берган суғурта ҳодисасининг ҳолатларини ва сабабларини текширишда ёрдам кўрсатиш, ҳамда ушбу қоида шартлари бўйича ўз мажбуриятларининг бузилишига йўл қўймасликка қаратилган барча чораларни кўриши;

**6.2.2.** Ушбу қоида шартларининг амал қилиш даврида Суғурталовчига суғурта таваккалчилигини баҳолаш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида маълум қилиши ва маълум қилинган ҳолатларда ўзгариш юз берганлиги маълум бўлса ва ушбу ўзгаришлар суғурта ҳодисаси рўй бериши эҳтимоллигини оширса, Суғурталовчига унга маълум бўлган ўзгаришлар тўғрисида дарҳол хабар бериши;

**6.2.3.** Қарздорининг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши ҳолати юзасидан суғурталовчига унинг сўровига мувофиқ ўз вақтида маълумот тақдим этиши;

**6.2.4.** Кредит шартномасида кўрсатилган кредит муддатининг тугашига 30 (ўттиз) кун қолганида кредитнинг сўндирилиши ҳолати бўйича ёзма хабарнома бериши;

**6.2.5.** Тўланган суғурта товони доирасида Қарздорга талаб қўйиш бўйича барча ҳуқуқларини Суғурталовчига ўтказиши. Суғурталовчига суброгация ва регресс тартибида ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этиши;

**6.2.6.** Ушбу қоида амалда бўлган муддатда Суғурталовчидан олинган ахборотни сир сақлаши, Суғурта қилдирувчи ва/ёки Қарздор Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат идораларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

## **6.3. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:**

**6.3.1.** Мавжуд бўлган ҳолларда Суғурталовчида гаровга қўйилган мол-мулкни Кредит шартномаси амал қилиши муддатига алоҳида тўлов эвазига суғурталаш;

**6.3.2.** Ушбу Қоида бўйича берилган суғурта полиси амалда бўлган муддат мобайнида суғурта масалалари юзасидан бепул маслаҳатлар олиш.

## **6.4. Қарз олувчининг мажбуриятлари:**

**6.4.1.** Суғурталовчига Ушбу Қоидада келишилган тартиб ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаш;

**6.4.2.** Банкдан олинган кредитдан кредит шартномаси ҳужжатларда кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш;

**6.4.3.** Суғурталовчига Мазкур Қоида бўйича суғурта полиси олинаётганда хабар қилинган шарт-шароитлардаги ўзига маълум муҳим ўзгаришлар (кредит шартномаси муддатлари ўзгариши ёки бузилиши) ҳақида ёзма хабардор қилиш;

**6.4.4.** Суғурталовчининг сўровига кўра, кредит шартномасига тааллуқли бошқа ҳужжатларни амалга ошириш/ижросини мониторинг қилиш, шунингдек, суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ва тафсилотларини аниқлаш учун зарур маълумотлар ёки ахборотларни тақдим этиш;



**6.4.5.** Суғурталовчига суброгация ва регресс тартибида ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур барча ҳужжатлар ва далилларни тақдим этиш ва барча маълумотлардан Суғурталовчини хабардор қилиш;

**6.4.6.** Қарздорга нисбатан унинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисида суд жараёни бошланса, Суғурталовчини ишда учинчи шахс сифатида иштирок этишга таклиф этиш.

**6.5. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:**

**6.5.1.** Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни ҳамда Қарздорнинг мазкур Қоида ва кредит шартномаси шартларини бажариши билан боғлиқ маълумотларни текшириш; Кредит шартномаси амалда бўлган муддат мобайнида мониторингда иштирок этиши, қарз олувчининг ҳақиқий ҳолатини ўрганиши ва кредит шартномасига тааллуқли маълумотларни ягона электрон платформа орқали олиш;

**6.5.2.** Суғурта қалтислиги ошишига олиб келган ҳолатлар юзага келганда, Мазкур Қоида шартларини ўзгартириш киритиш бўйича таклиф бериш ёки қалтислик ошишига мос равишда қўшимча суғурта мукофоти тўланишини тегишли тарафдан талаб қилиш.

**6.5.3.** Регресс тартибида суғурта қопламаси (ундирилганда) ундириш белгиланганда, Қарздорнинг ҳисоб варағидан акцептсиз тартибида пул маблағлари ундириб олинади;

**6.5.4.** Томонларнинг келишувига мувофиқ мазкур Қоидага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

**6.5.5.** Суғурта қилдирувчи томонидан Қарздорнинг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши ҳолати юзасидан ва/ёки суғурта ходисаси рўй бериш факти юзасидан ишончсиз маълумот берилса суғурта ходисаси рўй берганлигини рад этиш;

**6.5.6.** Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Қоида бўйича олган мажбуриятларини бажармаса ёки тўлиқ бажармаса суғурта товонини тўлашни рад этиш;

**6.5.7.** Мазкур Қоиданинг 5.2-бандга мувофиқ суғурта ходисаси содир бўлганлиги ҳақида ўз вақтида хабар бермаса суғурта товонини тўлашни рад этиш;

**6.5.8.** Суғурта қалтислиги даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни белгилувчи ҳужжатларни талаб қилиш;

**6.5.9.** Мазкур Қоиданинг 3 - бўлимида белгиланган шартлар бажарилиши ёки бажарилмаслигидан қатъий назар суғурталовчи ўзининг ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда суғурта товонини тўлаб бериш ҳуқуқига эга;

**6.5.10.** Суғурта қилдирувчининг суғурта товонини тўлаб бериш тўғрисидаги талаби бўйича жавобгарлигини бажарганидан сўнг, Суғурта қилдирувчидан тўланган суғурта товони доирасида Қарздордан талаб қўйиш бўйича барча ҳуқуқларини Суғурталовчига ўтказишини талаб қилиш.

**6.6. Суғурталовчининг мажбуриятлари:**

**6.6.1.** Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчига суғурта масалалари юзасидан маслаҳатлар бериш;

**6.6.2.** Суғурта полисини ушбу Қоидада белгиланган муддат ва тартибда бериш;

**6.6.3.** Суғурта ходисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчига Ушбу Қоида бўйича берилган суғурта полисида белгиланган тартиб ва миқдорда суғурта қопламаси (товони)ни тўлаш.

Шунингдек, бахтсиз ҳодиса юз берганда қарздорнинг вақтинча ёки доимий тўлиқ меҳнатга лаёқатини йўқотганлик ёки вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжат суғурта товонини тўлаш учун асос ҳисобланади

**6.6.4.** Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан ва вужудга келган ҳодиса суғурта ҳодисаси сифатида тан олинганидан сўнг, суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичида Суғурта қилдирувчига суғурта тўловини амалга ошириш;

**6.6.5.** Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ва унинг мулкый ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмаслиги, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

## **7. ИСТИСНОЛАР**

**7.1.** Қуйидагилар суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди ва суғурта қопламаси (товони) тўланмайди:

а) ядровий портлаш, радиация ёки радиоактив заҳарланиш; ҳарбий ҳаракатлар, маневрлар ва бошқа ҳарбий тадбирлар.

б) агар Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси сабаблари ва тафсилотларини, шунингдек, зарар миқдорини аниқлашда Суғурталовчи иштирок этишига тўсқинлик қилса.

в) агар суғурта ҳодисаси Суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси юзага келишига йўналтирилган қасддан қилган ҳаракатлари оқибатида содир бўлса.

г) Кредит миқдorigа ҳисобланадиган ҳар қандай пенялар, жарималар, неустойкалар, банк комиссияси;

д) Суғурта қилдирувчи ёки унинг вакиллари томонидан Кредит шартномасини расмийлаштиришда/кредит беришда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя қилинмаган ҳолатлар;

е) Суғурта қилдирувчи томонидан ушбу Қоидалар асосида белгиланган миқдор ва муддатда суғурта мукофоти тўланмаган бўлса, суғурта мукофоти тўлаб берилган полислар бундан мустасно.

ж) Суғурталовчи суғурта полисининг муддати суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар тугаган бўлса суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга;

з) Суғурта қилдирувчи ёки Қарздор суғурта полисини амал қилиш даврида кредит бўйича тўлов муддатини, кредит даврини, кредит шартномасининг бошқа шартларини ўзгартирса ёки кенгайтирса ва бу ҳақида Суғурталовчи ёзма равишда огоҳлантирмаган ҳолатларда Суғурталовчи ушбу қоида шартлари доирасида жавобгарликдан озод этилади.

и) Суғурта товони қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

- Суғурта қилдирувчи томонидан ўз манфаатларини судда ҳимоя қилишга сарфланган харажатлар;

- Суғурта қилдирувчи томонидан кредитни сўндириш муносабати билан тўловлар, ўтказмалар, пул маблағларини етказиб бериш ва бошқа операцияларни хатолик билан амалга оширилиши натижасида вужудга келган зарарлар.

## **8. СУБРОГАЦИЯ ВА РЕГРЕСС**

**8.1.** Суғурта қопламаси (товони)ни тўлаган Суғурталовчига тўланган маблағлар чегарасида Суғурта қилдирувчининг Ушбу Қоидага мувофиқ қопланган зиён етишида айбдор шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи ўтади. Суғурта қилдирувчи



Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни ҳамда маълумотларни тақдим этиши шарт

**8.2.** Агар суғурта қопламаси (товони) тўланадиган кунда Қарз олувчи тўловга қобилиятсиз (ёки банкрот) деб тан олинган бўлса, Суғурталовчининг суброгация ҳуқуқи бўйича талаблари Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунига мувофиқ Суғурталовчини кредиторлар реестрига киритиш орқали қондирилади.

**8.3.** Суғурта ҳодисаси юз бергандан сўнг Суғурталовчи суғурта қопламаси (товони)ни тўлаш учун кредитнинг суғурталанмаган қисми бўйича қарздорликни қоплаш ушбу Қоиданинг 5.2 банди шартларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

**8.4.** Кредит бўйича Суғурта қилдирувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганидан ортиб қолган пул маблағлари тўланган суғурта қопламаси (товони)ни қисман ёки тўлиқ қоплаш учун Суғурталовчига талаб қилиш ҳуқуқи ўтади.

## **9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

**9.1.** Агар Мазкур Қоида имзолангандан ва у бўйича суғурта полислари тақдим қилингандан сўнг, тарафларнинг эрки ва истагига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар Ушбу Қоида ва у бўйича тақдим қилинган суғурта полислари бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар.

## **10. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**10.1.** Суғурталовчи Мазкур Қоида ва у бўйича тақдим қилинган суғурта полислари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлар билан Қарз олувчи билан бирга кредитнинг суғурта қилинган қисми бўйича суғурта суммаси чегарсида Суғурта қилдирувчи олдида қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**10.2.** Суғурталовчига тегишли пул маблағларини тўлаш муддатларига амал қилинмаган тақдирда, Суғурталовчининг талабига кўра, Суғурта қилдирувчи ва (ёки) Қарз олувчи ҳар бир кечиктирилган кун учун қарзнинг 0,1 (ноль бутун ўндан бир) фоизи миқдорида, лекин тўланиши лозим бўлган маблағнинг 10 (ўн) фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

**10.3.** Суғурта қопламаси (товони) тўлови муддатларига амал қилинмаган тақдирда, Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчининг талабига мувофиқ ҳар бир кечиктирилган кун учун қарз миқдорининг 0,1 (ноль бутун ўндан бир) фоизи миқдорида, лекин тўланиши лозим бўлган маблағнинг 10 (ўн) фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

## **11. ҚОИДА ВА УНГА АСОСАН БЕРИЛГАН СУҒУРТА ПОЛИСЛАРИНИНГ БЕКОР БЎЛИШ ТАРТИБИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

**11.1.** Ушбу Қоида ва унга асосан бериладиган суғурта полислари суғурта мукофоти тўланган пайтдан бошлаб кучга киради ва Томонлар суғурта полиси бўйича ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларни тўлиқ бажаргунгача амалда бўлади.

**11.2.** Ушбу Қоида имзоланган кундан бошлаб у бўйича берилган суғурта полислари кучга киргандан кейин содир бўлган суғурта ҳодисаларига нисбатан

қўлланилади.

**11.3.** Суғурта полиси суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланган кундан бошлаб 1 (бир) иш кун ичида берилади.

**11.4.** Суғурта қилдирувчи Ушбу Қоида ва у бўйича тақдим қилинган суғурта полисларидан исталган пайтда воз кечиши мумкин ва Томонлар воз кечилиши мўлжалланган кундан 30 (ўттиз) кун олдин хабар бериши шарт.

- Суғурта қилдирувчи муддатидан аввал Мазкур Қоида ва у бўйича тақдим қилинган суғурта полисларидан воз кечса, Суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

- Суғурталовчи суғурта ҳодисаси бўйича суғурта товонини амалга оширган ва (ёки) суғурта ҳодисаси бўйича мавжуд аризани кўриб чиқиш жараёнида бўлса тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди;

- Суғурта мукофотини қайтариш талаби Суғурталовчининг ушбу қоида шартлари бўйича ўз мажбуриятларини бузиши билан бўлса, тўланган суғурта мукофоти тўлиқ қайтарилади.

**11.5.** Мазкур Қоида ва у бўйича тақдим қилинган суғурта полислари қуйидаги ҳолатларда бекор бўлади:

- Суғурталовчи томонидан Мазкур Қоида ва у бўйича тақдим қилинган суғурта полисларига асосан Суғурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда бажарилган тақдирда;

- Суғурта қилдирувчи фаолияти тугатилса, Суғурта қилдирувчини қайта ташкил этилганлиги (қўшилиш, сотиб олиниши ва ҳ.к.) муносабати билан Мазкур Қоида алмаштирилиши ҳолатлари бундан мустасно;

- томонларнинг келишувига мувофиқ Ушбу Қоидани бекор қилиш ҳақида қўшимча келишув тузиш орқали;

- суд тартибида;

- Суғурта муддати тугаганда;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолатларда.

## **12. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР**

**12.1.** Тарафлар ушбу Қоида бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион ҳаракатларни тўлиқ таъқиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкый характердаги хизматлар, бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш., рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

**12.2.** Тарафлар Ушбу Қоида бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим этишни таклиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини кафолатлайди.



**12.3.** Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт.

Ёзма хабарномалар Суғурталовчи ёки Суғурта қилдирувчининг ишонч телефонлари орқали амалга оширилади.

**12.4.** Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф мазкур Қоида шартларини бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

**12.5.** Мазкур Қоидани коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Зарарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланаган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.

### **13. БОШҚА ШАРТЛАР**

**13.1.** Ушбу Қоиданинг шартлари томонларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин. Қоидани ўзгартириш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда амалга оширилади.

**13.2.** Мазкур Қоиданинг шартлари ўзгартирилган тақдирда, мажбуриятлар Қоидага ўзгартириш тўғрисидаги ёзма келишувда келишилган санадан бошлаб ўзгарган ҳисобланади.

**13.3.** Ушбу Қоида бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни учинчи шахсларга топшириш томонларнинг ёзма розилигисиз амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

**13.4.** Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, улар бу ҳақда бир-бирини 5 календарь кунидан кечиктирмай хабардор қилиши лозим.

**13.5.** Ушбу Қоидада келтирилмаган ҳолатлар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги, “Хўжалик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

**13.6.** Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи маълумотларни сир сақлаш бўйича жавобгардирлар ва улар Ушбу Қоида, унинг иловалари ва Мазкур Қоида билан боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг мазмунини тегишли томоннинг дастлабки ёзма розилигисиз учинчи томонга ошкор қилишлари ман этилади.

Қарз олувчи ушбу Қоидалар асосида суғурта полиси расмийлаштирилиши жараёнида, суғурта полиси амал қилиш муддати давомида унинг шахсий маълумотлари Суғурталовчи томонидан қайта ишланишига ўз розилигини беради.

**13.7.** Мазкур Қоидадан келиб чиқувчи барча баҳслар ва келишмовчиликлар музокаралар орқали, келишувга эришилмаган тақдирда эса қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат этиш орқали ҳал этилади.

**13.8.** Ушбу Қоида томонлари, шунингдек ҳар бир томоннинг вакиллари ёки ходимлари Мазкур Қоидага тааллуқли фирма ва конфиденциал ахборотни ҳар бир томоннинг ёзма розилигисиз ошкор қилишлари мумкин эмас.

**13.9.** Мазкур Қоида 2 нусхада ўзбек тилида имзоланган бўлиб, Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчида бир нусхадан сақланади ва ҳар бири бир хил юридик кучга эга ҳисобланади. Қарздор ушбу Қоида билан суғурта муқофоти тўлашидан олдин

Ариза сўровнома бўйича электрон тарзда танишиб чиқиши ҳамда суғурта полисига эга бўлганда, полисда келтирилган ҳавола орқали сақлаши мумкин.

#### **14. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

**14.1.** Суғурта қилдирувчи “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида ҳамда “Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари”да тақиқланган шубҳали операциялар хусусида огоҳлантирилган.

Ушбу қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишнинг масъулияти Суғурта қилдирувчи зиммасига юклатилади.

**14.2.** Кредит қонунга ҳилоф равишда ажратилганлиги ҳамда кредит маблағлари қарздор томонидан ғайриқонуний мақсадларга сарфланганлиги суднинг қонуний қучга кирган ҳукми билан тасдиқланган бўлса, булардан келиб чиққан зарар суғурта ҳодисаси сифатида тан олинмайди.